

«ТАСДИҚЛАНГАН»  
«Эски жува» деҳқон бозори  
АЖ акциядорларининг навбатдаги  
умумий йиғилишида  
«07» июн 2017 йил

**“ЭСКИ-ЖУВА ДЕХҚОН  
БОЗОРИ”  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
2017 йилга**

**БИЗНЕС РЕЖАСИ**

## **«Эски-Жува» дехкон бозори АЖ бизнес режасининг**

### **1. Кириш қисми**

«Эски-Жува» дехкон бозори АЖ аҳолининг қишлоқ хўжалик, озик-овқат, ноозик-овқат махсулотларига бўлган эҳтиёжини тўларок кондиришига қаратилган талаб ва таклифлар асосида ўз фаолиятини ташкил этади. «Эски-Жува» дехкон бозори асосий биноси битта катта гумбаз ва яна 4 та кичик гумбазлардан иборатдир. Тошкент шаҳар мулк бошқармасининг 1996 йил 13 апрел 158/1 ППР-сонли фармойиши билан қарори билан ташкил бўлиб, Шайхонтохур туман Хоқимининг 1996 йил 31 май 795-5-сонли қарори билан «Эски-Жува» дехкон бозори ОАЖ номи билан рўйхатдан утган Тошкент шаҳар Хоқимининг 2001 йил 2 апрел 140-сонли қарори асосида унга «универсал бозори» мақоми берилиб, 2001 йил 21 май куни давлат рўйхатидан утказилди, 2003 йил 10 сентябрдаги жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий мажлис қарори асосида унга «Эски жува дехкон бозори» мақоми берилди ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатдан утказилди. 2009 йил 27 март куни утказилган акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлис қарорига асосан жамият низом жамгармаси оширилди ва 2014 йил 08 август куни Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан қайта рўйхатдан утказилди. 2016 йил 28 июнда утказилган жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши қарорига биноан жамият Устави янги тахрирда тасдиқланиб, 2016 йил 22 июлда қайта рўйхатдан утказилди.

Манзили: 100002 Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Бозор майдони, 28 уй. Таркибида қуйидаги шахобча бозорлари мавжуд:

1. «Эски-Жува» дехкон бозори, майдони 11га . Манзили: Тошкент-2, бозор майдони 28 уй.
2. «Ибн-Сино» шахобча бозори, майдони 8400 кв.м. Манзили: Тошкент, Ибн-Сино мавзеси.

**Иш режими:** Доимий (хафтада 7 кун 07.00-19.00 гача)

### **2. Фаолият турлари.**

- Қишлоқ хўжалик, озик-овқат, ноозик-овқат ва бошқа истеъмол махсулотлари учун савдо жойлари ажратиши.
- Жисмоний ҳукукий шахсларга шартнома асосида хона ва воситаларни ижарага бериши.

- Коммунал ва бошка турдаги хизматлар курсатиши.
- Бозор маъмуриятининг (еки унинг савдо харид корхоналари) томонидан амалга ошириладиган кишлок хужалиги товарларини тайерлаш, харид килиш ва сотиши.

«Эски жувап дехкон бозори» АЖ да сотувга қуйидагилар таклиф этилади:

- Озиқ-овқат махсулотлари - 99,0 %,
- Ноозиқ- овқат махсулотлари - 1,0 %.

### **3. Муассислар**

- Тошкент шаҳар Хокимияти, 78,47 % акциялар эгаси.

### **4. Низом жамгармаси.**

Жамият низом жамгармаси – 2200000,0 минг.сум,

-Тошкент шаҳар Хокимиятига – 78,47 % еки 1726340,0 минг.сум.

- бошка юридик ва жисмоний шахслар улуши – 21,53 % еки 473660,0 минг.сум . 100 % жойлаштирилган.

Акциянинг номинал киймати 1000 сумни ташкил этади.

Акцияларнинг турлари (тоифалари) – оддий, хужжатсиз, эгасининг номи ёзилган.

### **5. Акциядорлик жамиятининг бошқарув тузилмаси**

Юкори бошқарув органи акциядорларнинг умумий мажлиси булиб, унинг ваколатига қуйидагилар киради:

- жамият уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- жамият кузатув кенгашининг миқдор таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- жамиятнинг уставини кўпайтириш;
- жамиятнинг уставини камайитириш;
- ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;
- жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;

- жамиятнинг йиллик хисоботларини бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарлари хисоб варагини тасдиқлаш, унинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;
- акцияларга айирбошланадиган қимматли қозғаларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида;
- умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- жамият уставида назарда тутилган ҳолларда жамиятнинг мол-мулк сотиб олиши ва мол-мулкни бегоналаштириши билан боғлиқ йирик битимларни тузиш;

Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлоқ ваколатига киритилган масалалар хал қилиш учун жамият ижроия органига берилиши мумкин эмас.

### **6. Акциядорлик жамиятининг назорат органи.**

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув Кенгаши бошқарув функцияларидан ташқари, ижроия органининг харакати устидан назорат фаолиятини амалга оширади.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунига асосан, акциядорлик жамиятида молиявий фаолиятини назорат қилувчи махсус орган кўзда тутилган бўлиб, тафтиш хайъати 3 кишидан таркиб топган.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» қонунда жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш хақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилиши белгилаб қўйилган. Жамиятнинг 2016 йил 9 ойлик молиявий яқунлари бўйича жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш хақи миқдорининг юз минг баробаридан кам бўлганлиги сабабли жамиятда фаолият юритаётган ички аудит хизмати фаолияти тўхтатилган.

### **7. Акциядорлик жамиятининг ижроия органи.**

1. Жамиятнинг ижроия органи раҳбари (бундан буён – Директор) кузатув кенгаши томонидан сайланади (тайинланади, ёланади). Жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг ёхуд жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра жамият директорини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

2. Директор лавозимига у ёки бу номзодни тавсия этар экан кузатув кенгаши раиси контракт тузиши шартлари, бошқарув фаолияти учун мукофотлаш миқдори ва номзоднинг шахсий аризаси билан тасдиқланган контракт тузишга номзоднинг розилиги тўғрисида ахборот беради.

3. Жамият директори хар чорак сметага мувофик белгиланган соф фойдани ортиги билан бажарса, у холда Жамият директорига соф фойданинг ошириб бажарилган кисмидан **10 %** миқдорида мукофот пули берилиши мумкин.

4. Жорий даврда ижро этувчи орган раҳбарини мукофотлаш миқдори бизнес-режада назарда тутилган ижро этувчи органни моддий рағбатлантириши пули миқдорини самарадорликнинг йигинди кўрсаткичи(СЙК)га кўпайтириши йўли билан аниқланади.

5. Агар СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизи барча самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК)нинг камида ярмида прогноздан (мақсадли кўрсаткичдан) ошса, ташилотнинг ваколатли бошқарув органи қарорига асосан ижро этувчи орган раҳбарини мукофотлаш миқдори бизнес-режада назарда тутилган мукофотлаш миқдorigа нисбатан икки баробар оширилиши мумкин.

### **8. Асосий ҳуқуқий – меъёрий базаси.**

«Ўзбекистон Республикасининг «Бир мартали жой ҳақларини ундириши ҳақида» ги 1992 йил қонуни. Вазирлар Маҳкамасини «Ўзбекистон Республикасининг чакана бозорлари ҳудудида жисмоний шахсларнинг савдо фаолиятини тартибга солиши чора тадбирлари тўғрисида»ги 1999 йил 2 август 373 қарори.

- «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиши тўғрисида»ги 2002 йил 6 май 154-қарори;
- «Республикага истеъмол товарарини ноқонуний олиб келинишини ва сотилишининг олдини олиши чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 19 июн 257-қарори.
- «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг ахамияти ва улушини тубдан ошириши чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 28 январдаги 3202-Фармони.
- «Хусусийлаштирилган корхоналарда корпоратив бошқарувни такомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2003 йил 19 апрелдаги 189-қарори.
- «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга

солиши чора тадбирлари тўғрисида»ги 2004 йил 12 августдаги 387-қарори.

- «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, хисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг хисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сонли қарори.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги 1326-сонли қарори,
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 253-сонли қарор.
- Ўзбекистон Республикаси президентининг 2014 йил 6 майдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонуни.
- 2016 йил 25 апрелдаги № 405-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни.


#### 8. «Эски-Жува» дехкон бозори АЖнинг 2016 йил якунлари буйича даромадлар ва харажатлар сметаси.

Курсатгичлар	режа	амалда	Фарқи		%
			+	-	
<b>Даромад</b>					
<b>Жами даромадлар</b>	<b>7736700.0</b>	<b>7427668.7</b>	<b>-309031.3</b>		<b>96.00</b>
<b>Мажбурий харажатлар</b>					
1. 1,6% пенсия жамгармаси	123787.2	118842.7	-4944.5		96.01
2. 1,4 % йул жамгармаси	108313.8	103987.4	-4326.4		96.01
3. 0,5% мактаб фонд ажратма	38683.5	37138.3	-1545.2		96.01
<b>Жаъми ажратмалар:</b>	<b>270784.5</b>	<b>259968.4</b>	<b>-10816.1</b>		<b>96.01</b>
<b>Жаъми даромадлар колдиги:</b>	<b>7465915.5</b>	<b>7167700.3</b>	<b>-298215.2</b>		<b>96.01</b>
<b>Мажбурий солиқлар</b>					
1. 50% маҳаллий бюджетга	3485435.3	3305299.0	-180136.2		94.83

2.Бошкармага ажратма	193035.0	0.0	-193035.0	0.0
3.Автотўхташ жойи солиги	1273972.0	1269762.0	-4120.0	99.67
<b>Даромадлар қолдиги</b>	<b>2513473.3</b>	<b>2592639.3</b>	<b>79166.0</b>	<b>103.15</b>
<b>ХАРАЖАТЛАР</b>				
<b>Жаъми харажатлар</b>	<b>2505834.0</b>	<b>3116241.8</b>	<b>610407.8</b>	<b>124.36</b>
<b>СОФ ФОЙДА</b>	<b>7639.3</b>	<b>-523602.5</b>	<b>-531241.8</b>	<b>0.0</b>

**10. «Эски жува деҳқон бозори» АЖнинг 2017 йил учун даромадлар ва харажатлар режаси.**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>1-чорак</b>	<b>2-чорак</b>	<b>3-чорак</b>	<b>4-чорак</b>	<b>2017 йил</b>
<b>Даромад</b>					
<b>Жами даромадлар</b>	<b>1817000.0</b>	<b>2139000,0</b>	<b>2246000,0</b>	<b>2250000,0</b>	<b>8452000,0</b>
<b>Асосий харажатлар</b>					
1. 1,6% пенсия жамғармаси	29072.0	34224,0	35936,0	36000,0	135232,0
2. 1,4 % йул жамғармаси	25438.0	29946,0	31444,0	31500,0	118328,0
3. 0,5% мактаб фонд ажратма	9085.0	10695,0	11230,0	11250,0	42260,0
<b>Жаъми ажратмалар:</b>	<b>63595.0</b>	<b>74865,0</b>	<b>78610,0</b>	<b>78750,0</b>	<b>295820,0</b>
<b>Жаъми даромадлар қолдиги:</b>	<b>1753405.0</b>	<b>2064135,0</b>	<b>2167390,0</b>	<b>2171250,0</b>	<b>8156180,0</b>
<b>Мажбурий солиқлар</b>					
1. 50% маҳаллий бюджетга	806740.0	1032067,5	1083695,0	1085625,0	4008127,5
2. Аъзолик бадали	90850,0	106950,0	112300,0	112500,0	422600,0
3. Автотўхташ жойи солиги	186000,0	0,0	0,0	0,0	186000,0
<b>Даромадлар қолдиги</b>	<b>669815,0</b>	<b>925117,5</b>	<b>971395,0</b>	<b>973125,0</b>	<b>3539452,5</b>
<b>ЖОРИЙ ХАРАЖАТЛАР</b>					
<b>Жаъми харажатлар</b>	<b>645810.0</b>	<b>736517,0</b>	<b>781870,5</b>	<b>781870,5</b>	<b>2946068,0</b>
<b>СОФ ФОЙДА</b>	<b>24005,0</b>	<b>188600,5</b>	<b>189524,5</b>	<b>191254,5</b>	<b>593384,5</b>



### ***«Эски жува дехқон бозори» АЖ тизимининг ҳуқуқий тартиби.***

*Жамият хизматидан асосан хусусий тадбиркорлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчилар ҳамда харидорлар фойдаланадилар.*

*Кўрсатилган хизматлар ва жой хақлари Тошкент шаҳар хокимияти қарорлари асосида ундирилади, ижара хақи ва кўрсатилган коммунал хизмат хақлари, Кузатув Кенгаши қарори акциядорларнинг умумий мажлиси томонидан қабул қилинган даромадлар ва харажатлар сметаси асосида тузилган тариф бўйича ундирилади.*

*Жамият 2017 йил учун 8452000,0 минг сўм ялпи даромад режалаштирмоқда.*

*Соф даромад (Соф фойда) 593384,5 минг.сўм олинishi режалаштирилган.*

*Жамият раҳбарияти ишчи ходимларни бажараётган иш кўлами, унинг сифатига қараб моддий ва маънавий рағбатлантириши ишларини олиб боради. Айрим ҳолларда шартнома асосида вақтинча ишчи кучи ёллаш ҳуқуқига эга.*

*Жамият Кузатув Кенгашининг қарори асосида хайрия ишлари кўрсатилади. Кўзда тутилмаган харажатлар жамият кузатув кенгашининг қарори асосида амалга оширилади.*

*«Наврўз», «Мустақиллик», «Янги йил», «Хайит» байрамлари олдидан шаҳобчаларда тозалик кунлари ўтказилиб, хар хил хайриялар кўрсатилади ва жамият ҳудуди байрамона безатилади.*



*«Эски жува дехкон бозори» АЖ олинган соф фойдага қараб акциядорларнинг умумий мажлиси ва кузатув кенгаши қарори асосида дивиденд бериш ҳуқуқига эга.*

*Жамиятнинг 2017 йил учун белгиланган фаолиятида соҳамизга тегишли Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва юртбошимизнинг маърузаларида кўтарилган масалаларни бажаришга асосий эътибор берилади. Хусусан, барча ҳаётий масалалар бошқарув ижроия органининг кундалик режавий йиғилишларида атрофлича муҳокама қилиниб, белгиланган тадбир ва қабул қилинган қарорлар асосида иш олиб борилади.*

***Жамият директори***

***О.Машарипов***

***Бош бухгалтер***

***Г.Иргашева***